

## Ўзбекистон Президенти "Марказий Осиё - ЕИ" саммитига келди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Чўлпонота шаҳрига келди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси - Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Бугун Чўлпонотада иккинчи “Марказий Осиё - Европа Иттифоқи” саммити бўлиб ўтади. Унинг кун тартибидан минтақамиз мамлакатларининг Евроиттифоқ билан конструктив мулоқотини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари ўрин олган.



**Манба**